



2021-j. «09» июль

№ 01-01/02-3258

«__» _____ 2021 г.

**Барлық район(қала)лық
халық билимлендириў
бөлими баслықларына**

Қарақалпақстан Республикасы Халық билимлендириў министрлиги Сизге, аймақлық мекемелер тәрәпинен «Коррупцияға қарсы гүресий ҳаққында»ғы Өзбекстан Республикасы Нызамы, Өзбекстан Республикасы Президентиниң 2017-жыл 2-февральдағы ПҚ-2752-санлы Қарары хәмде 2019 жыл 27-майдағы ПФ-5729-санлы Пәрманы менен тастыйықланған коррупцияға гүресий бойынша мәмлекетлик бағдарламаларын дәстүрлерин орынлаўды тәмийинлеў илажлары көрилген. Коррупцияға қарсы гүресий тараўында әмелге асырылып атырған ис-режелер нәтийжелилигин додалаў, сондай-ақ, жәмийетшилиқ пикирин үйрениў мақсетинде хәр ярым жылда кеминде бир марте сораўнамалар дүзип хәм нәтийжелерин анализ етип исленген жумыслар бойынша Қарақалпақстан Республикасы Халық билимлендириў министрлигине мағлыўмат бериўинизди соранамыз.

Қосымша _____ беттен ибарат.

Министр:

Р.Реимов



2021 йил 18 июль

104 / 1 - сонли

Қорақалпоғистон Республикасида коррумпцияга қарши курашиш бўйича фаолитни амалга оширувчи давлат органлари раҳбарларининг коррумпция ҳолатлари ҳақидаги, шунингдек, жойларда Давлат бюджет маблағларининг мақсадли сарфланишига доир ахборотларини эшитиш натижалари тўғрисида

Сўнги йилларда мамлакатимизда коррумпциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш, коррумпцияга сабаб бўлаётган омилларга чек қўйиш мақсадида кенг қўламли ислохотлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Суд-хуқуқ масалалари ва коррумпцияга қарши курашиш кўмитаси Қорақалпоғистон Республикасида коррумпцияга қарши курашиш бўйича фаолитни амалга оширувчи давлат органлари раҳбарларининг коррумпция ҳолатлари ҳақидаги, шунингдек, жойларда Давлат бюджет маблағларининг мақсадли сарфланишига доир ахборотларини эшитиш ва муҳокама қилиб, бу борада Қорақалпоғистон Республикасида қатор ишлар амалга оширилганини қайд этди.

Худудий идоралар томонидан "Коррумпцияга қарши курашиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги ПҚ-2752-сонли Қарори ҳамда 2019 йил 27 майдаги ПФ-5729-сонли Фармони билан тасдиқланган коррумпцияга қарши курашиш бўйича давлат дастурлари ижроси, шунингдек, 2020 йил 9 июндаги ПФ-6013-сонли Фармони ижросини таъминлаш чоралари кўрилган.


Коррумпцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссиясида давлат органлари, масъул идора ва ташкилотлар билан ҳамкорликда ҳудудда йўл қўйилаётган коррумпция, бюджет маблағларининг титон-тороқ қилиниши ва сумистельмолчиликлар билан боғлиқ ҳолатлар соҳалар ва идоралар кесимида мунозам тахлил қилиниб, коррумпциявий жиноятларнинг келиб чиқиш сабаблари на улар солир этилишига имкон яратиб бераётган сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш бўйича қарорлар қабул қилинган.

ҚОРАҚАЛПОĞИСТОН RESPUBLIKASI

MINISTRLIK KENESI

KIRIS 4/949sani 2 bet

3 сентябрь 2021 йил



2020 йил ва жорий йилнинг ўтган даври мобайнида аҳолининг хуқуқий оғли ва хуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррумпцияга нисбатан муросанс муносабатни шакллантириш мақсадида худудий давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан жами 2 264 мартаба учрашув, семинар ва давра суҳбати ўтказилиб, оммавий ахборот воситалари орқали 1 752 мартаба (194 мартаба телевидениеда, 1 558 мартаба радиола) чиқишлар қилинган.

Тарғибот талбирларида ёшларнинг хуқуқий оғли ва хуқуқий маданиятини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилган.

Жумладан, "Коррумпция - таракқиёт кушандаси", "Биз коррумпцияга қаршимиз" ҳамда "Бизнинг худуд жиноятчилик ва хуқуқбузарликлардан холи" мавзуларида жами 18 миңдан орғиқ ёшлар иштирокида 250 та учрашув ва давра суҳбати ўтказилган.

Шунингдек, коррумпциянинг зарарли оқибатлари ва коррумпция билан боғлиқ жиноятларни жазосиз қолмасликни тарғиб этиш мақсадида жойларда макута оид 1 000 дан орғиқ тарқатма материаллар тарқатилган.

Бундан ташқари, "9 декабрь - Халқаро коррумпцияга қарши курашиш кунини" та бағишланган хафталик доирасида бир қатор тарғибот ишлари олиб борилиб, фуқаролар йиғинлари биноларида коррумпциянинг олдини олиш бўйича ижтимоий реклама баннерлари ўрнатилган.

Шу билан бирга, Қорақалпоғистон Республикасида худудий давлат идоралари томонидан коррумпцияга қарши курашиш бўйича амалга оширилган чора-тадбирларга қарамадан, бу соҳадаги хуқуқбузарлик ва жиноятлар солир этилишининг батамом олдини олишда айрим камчиликлар мавжуд.

Жумладан, тегишли назоратнинг лозим даражада йўлга қўйилмаганлиги оқибатида Қорақалпоғистон Республикасининг мактабгача таълим, халқ таълими, олий таълим, ички ишлар, соғлиқни сақлаш, қурилиш, қишлоқ хўжалиғи, сув хўжалиғи вазирликлари, ҳоқимликлар, банк тизими, шунингдек мажбурий ижро бюроси, солиқ органлари томонидан коррумпцияга оид хуқуқбузарликларга йўл қўймасликка қаратилган идоравий комплекс чора-тадбирларнинг ижроси тўлиқ бажарилмаган.

Давлат органлари, фуқаролик жамияти институтлари ва бошқа нодавлат ноғижорат ташкилотлари ўртасида коррумпцияга қарши курашиш борасида ўзаро ҳамкорлик ва самарали ижтимоий шериклик йўлга қўйилмаган.

Норматив-хуқуқий хужжатларнинг мазмун-моҳиятини бевосита ижрочилар томонидан кенг жамоатчиликка етказишда вақиллик органлари билан тўлиқ ҳамкорлик ўрнатилмаган.

Соҳаларда ўз тизими бўйича ижтимоий сўровлар ва тадқиқотлар ўтказиш орқали коррумпция хавфларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш учун зарур чоралар кўрилмаган.

Оқибатда Қорақалпоғистон Республикасида коррупцион ва мансабдор шахслар томонидан содир этилган жиноятлар сони 2020 йилда 90 тани ташкил этган. Бу кўрсаткич 2021 йилнинг ағтиги 5 ойи давомида 97 тани ташкил қилиб, ўтган йилга нисбатан 2 баробарга ошган.

Қайд этиш жоизки, 2020 йилда (2021 йилнинг 5 ойи давомида) Қорақалпоғистон Республикасидаги 54 (92) нафар турли даражадаги мансабдор шахс, 17 (20) нафар соҳа ходими, 31 (13) нафар фуқаро коррупция билан боғлиқ турли жиноятларни содир этганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилган.

Худудлар кесмида ўтган йил давомида қайд этилган кўрсаткичлар жорий йилнинг 5 ойига нисбатан таққосланганда, Нукус шаҳрида (27) та, Тўрткўл (5) ва Бўзатов туманларида (1) бир хил бўлса, Амударё 3 (4), Мўйноқ 2 (5), Қўнғирот 3 (7), Қонликўл 1 (3), Шўманой 1 (2), Тахиятош 4 (6), Тахтакўпир (0) 1, Қораўзақ 3 (4), Чимбой 2 (5), Кегейли 3 (4) ва Нукус туманларида 3 (4) кўрсаткичлар ўтган йилга нисбатан сезиларли даражада ошган.

Соҳалар бўйича тахлил қилинганда, 10 (13) нафари Мактабгача таълим, 8 (15) нафари Халқ таълими, 2 (4) нафари Соғлиқни сақлаш, 4 нафари Қишлоқ хўжалиги, 2 нафари Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш, 2 нафари Жисмоний тарбия ва спорт, 2 (3) нафари Сув хўжалиги,

1 (1) нафари Қурилиш, 1 нафари Транспорт вазириликлари, 4 (4) нафари ДСҚ хузуридаги Кадастр агентлиги ҳамда 7 (44) нафари давлат улуши бўлмаган (МЧЖ) хўжалик юритувчи субъектлар ҳисобланади.

Шунингдек, ҳуқуқбузарларнинг 8 (4) нафари Давлат улуши бўлган хўжалик юритувчи субъектлар, 5 нафари ҳоким ўринбосари, 11 (5) нафари Марказий банк ва тижорат банклари, 4 (2) нафари Олий ва ўрта махус таълим вазири, 3 (2) нафари Ички ишлар вазири, 3 (1) нафари Меҳнат вазири, 2 нафари Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазири, 1 нафари Маданият вазири, 1 нафари Давлат солиқ қўмитаси, 1 нафари "Ўздонмахсулот" АЖ, 2 нафари бошқа ташкилотлар ҳамда 31 (13) нафари фуқаролар ҳиссага туғри келади.

Шу билан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 9 июлдаги "Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-6013-сонли Фармони ижросини самарали ташкил қилиш мақсадида аҳолининг ҳуқуқий оғли ва ҳуқуқий маданиятини янада ошириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни кучайтириш чораларини кўриш лозим.

Худудий идоралар фаолияти самарадорлигини янада ошириш, юқорида баён этилган камчиликларни бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Суд-ҳуқуқ

масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И Л А Р :

1. Қорақалпоғистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи давлат органлари раҳбарларининг коррупция ҳолатлари ҳақидаги, шунингдек, жойларда Давлат бюджетни маблағларининг мақсадли сарфланишига доир ахборотлари маълумот учун қабул қилинсин.

2. Худудий идоралар (Қорақалпоғистон Республикасининг прокуратураси, Давлат хавфсизлик хизмати бошқармаси, Адлия вазири, Ички ишлар вазири, Халқ таълими вазири, Мактабгача таълим вазири, Молия вазири, Соғлиқни сақлаш вазири, Қурилиш вазири, Марказий банк бошқармаси, Давлат солиқ бошқармаси)

бир ой мудатда:

- ҳар бир соҳа ва йўналиш бўйича ўз фаолиятини танқидий тахлил қилган ҳолда юзага келиши мумкин бўлган коррупциявий ҳолатларнинг олдини олиш ва бу борада иш самарадорлигини оширишга қаратилган таъсирчан чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

- коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирлар ижроси юзасидан тизимли мониторинг юритилишини йўлга қўйсин;

- худудий идоралар маблағларини мақсадли ишлатилишини таъминлайдиган механизмларни жорий этиш бўйича бошқичма-бошқич ички назорат ва ички аудит йўлга қўйилишини таъминласин;

- коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик юзасидан тезкор-қидирув ва тергов фаолиятининг сифати ва натиждорлигини оширсин;

- коррупция билан боғлиқ ҳар бир мурожаатни чуқур ўрганган ҳолда ўз вақтида барча чораларни кўрсин;

- соҳада содир этилган ҳар бир жиноятга туб сабаб ва шарт-шароитларни ўрганиб чиқсин ва кескин чоралар кўрсин;

- аҳолининг ҳуқуқий оғли ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, шунингдек жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгесининг тегишли қўмитаси ва халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашиларининг масъул комиссиялари билан ҳамкорликни кучайтирсин;

- коррупцияга қарши курашиш соҳасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар самарадорлигини муҳокама қилиш, шунингдек жамоатчилик фикрини ўрганиш мақсадида ҳар ярим йилда камидан бир марта сўровномалар ташкил қилсин ва натижаларини тахлил қилиб бурсин;

- коррупцияга қарши чора-тадбирларга фуқаролик жамияти институтлари вакиллари, шунингдек нодавлат ноτιжорат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари ходимларини жалб қилсин ҳамда жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг самарали ва замонавий механизмларини жорий этсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларига:

- жойларда коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ишлар ҳолатини ҳудудлар кесимида комплекс тарзда ўрганиш;

- жамиятда кенг муҳокамага сабаб бўлган ноқонуний ҳолатлар юзасидан эшитувлар ташкил қилиш ва натижаси юзасидан тегишли чоралар кўриш;

- ўз мажлисларида (тегишлилиги бўйича) ҳудудий давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ишлар юзасидан ахборотини эшитиш ва танқидий муҳокама қилиш;

- аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, айниқса “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ешлар дафтари”га киритилган ҳамда ёрдамга муҳтож фуқароларини қўллаб-қувватлаш борасидаги моддий ёрдамларнинг мақсадли тақсимлашини ташкил этилиши ва барча идоралар томонидан тўғри бажарилиши устидан депутатлик назоратини ўрнатилган тавсия этилсин.

4. Ушбу Қўшма қарорнинг бандлари ижросига масъул бўлган идора ва ташкилотлар батафсил маълумотни 2021 йилнинг 10 сентябрь кунига қадар Қорақалпоғистон Республикаси прокуратурасига тақдим этсин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси 2021 йилнинг 20 сентябрь кунига қадар Сенатнинг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига умумлаштирилган маълумотни тақдим этсин.

6. Маъмур Қўшма қарорнинг ижросини назорат қилиш Сенатнинг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси Раисининг ўринбосари Ш.Чўлпиев ва Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раисининг ўринбосари А.Давлетов зиммасига юклансин.

Сенатнинг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси Раиси

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раисининг ўринбосари

Н.Умаров
Н.Умаров

А.Давлетов
А.Давлетов